

821
E-93



Кухня Дуһе

О Д И Л Ё К У Б О В

821
Е-93



куҳна дуҳна

ОДИЛЕКУБОВ

ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ

Китоб должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач _____

--	--

-0608-

УЎК: 821.512.133(092)
КБК: 84(5)6
ё - 93

Ёкубов, Одина

Кўхна дунё: роман / Одина Ёкубов. – Тошкент: Ўлғи аср авлоди, 2018. – 432 б.

ISBN 978-9943-20-515-4

Одина Ёкубовнинг ушбу асари 1982 йилда ёзилган. Орадан шунча фурсат ўтиб, уни қайта нашр этишимиздан мақсад – улуғ аломадаримиз А.Беруний ҳамда Ибн Сино ҳаёти ва фаолиятини бугунги кун ўқувчисига таништириш, улардан ҳаётини ва маънавий сабоқ олишдир.

Адиб асарда икки буюк олимнинг болалиги, улар яшagan ижтимоий муҳит, ёшлик йиллари, нақ севгисидан тортиб, даҳо ижодкорга айланишга бўлган даврни жонли ва рангли бўёқларда тасвирлайди. Уларнинг нам-фан тараққиётига кўшган буюк ишларини умумлаштиришга ҳаракат қилади. Ҳар икки улуғ аждодимизнинг ҳаёти ва фожиаи тақдири бугунги кун ўқувчисини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133(092)
КБК: 84(5)6

ISBN 978-9943-20-515-4

© Одина Ёкубов, «Кўхна дунё», «Ўлғи аср авлоди», 2018 йил.

821
ё-93

БИРИНЧИ БОБ

Шоирнинг асли исми – Қутлуғқадам. Аммо ҳеч ким буни билмайди. Ҳазнада у Малик аш-шароб, авомчасига эса Малик уа-шароб, яъники Ҳариб майхўрлар султонига деган ном билан маълум ва машҳур.

Ҳариб қулубаси эса ғарчи султон Маҳмуд Ҳазнавий қасрлари билан тенглаша олмаса ҳам, доғруғи бутун дорус-саатанатга¹ кетган. Шоирнинг қулубаи вайронаси шаҳарнинг энг чеккасида, Боғи Фируз ва Боғи Маҳмуд каби кўркам боғлар, Осмон маликаси каби мармар қасрлар, Кўпши дават ва Кўпши маъмур каби тилмакори саройлар, ложувард тумбозорлар, қарвонсаройлар, бир-бирига туташиб кетган обод расталар, қумуш фавворалар ўрнатилган гулзор ва майдонлардан йироқда, гадолар ва йўқсиллар макони бўлмиш Афшон шоа² даҳасининг хиават бир бурчагида жойлашган. Лекин бу қашшоқ қулубанинг ўзига хос оҳанрабои бор – у муламирқуруқ шоирлар, «чиқитга чиққан» хонанда ва амирлар қаҳрига йўлиққан сарбозлар, қочқин гуломларнинг суюкли маконига айланган.

Кечалари бу маконга оқиб келадиган факиру ҳақирлар ғарчи чўнтагида сарик чақаси бўлмаса ҳам, ўз доғруғи, ўз гурурига эга. Машшоқлар дав-

¹ Дорус-саатанат – пойтахт.

² Афшон шоа – қадимий Ҳазна

расидати сеторчи, шунчаки сеторчи эмас, баки Бобо Сеторий деб чакирилади, ғижжакчиси олдий ғижжакчи эмас, Пири Ғижжакчий, хофиз шунчаки хофиз эмас, Бобо Хофиз, Буабулий, шоир бўлса назм аҳмининг султонни ёхуд маликула калом, деб аталади. Ҳатто, най бобида устаси фаранги турганжлик³ букри аттор ҳам олдий букри эмас, баки Пири Букрий номи биан донг чиқарган.

Музаффар амир Сабуктегинининг содиқ надиими Қорағуломдан қолган.

Малик уа-шаробнинг ўзи ҳам ёшлитига султоннинг сулокли надиими бўлган, аммо ўн тўрт яшар бир малак важдидан ўсмирилик чоғларидаёқ оралари бузилган. Агар ўша офатигжон санам бўлмаганида, ҳозир, эҳтимол, султоннинг суянган тоғи ёхуд энг яқин дашқарбошиси бўлармиди? Хўш, шунда нима ютарди? Боши осмонга етармиди? У бу норасо дунёнинг устуни бўлармиди? Ундан кўра ҳозиргидай майини ичиб, кўнглини хушлаб юргани минг чандон яхши эмасми?

Малик уа-шароб шарбат ва май қилиш хунарини хиротлик кекса бир боғбондан ўрганган. Йиллар ўтиб, бу ишда шундан устаси фарант бўлдики, унинг шарбатини ичгани нафақат юпун шоирлар ва йўқсиллар келишди, баъзан манман деган бек ва беқзодалар, ҳатто, Абу Райхон Беруний каби аломадар, тоҳи-тоҳи эса султоннинг сулокли малҳия-бози, шоир Унсурий ҳам қадим ранжида қилади, ҳатто, амир а-мўмининининг эркатой вазири, майпарастлик ва фоҳишабозликда ягона бўлмиш Абул Ҳасанакнинг ўзи ҳам унинг майига пинҳона одам юборди...

Рост, баъзан бозор мутасаддилари, айниқса, Мозори калон шайхлари уни шаккоқликда айблаб, Ҳазнадан қувмоқчи ҳам бўлишди, бироқ Қутлуғқа-

³ Турганч - қадимий Хоразм пойтахти.

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество полученных
выдач

20.09.22
3.10.22
10.10.22

беш йил муқаддам,
сабаб ёш Маҳмуд
анида, унга «бошқа
армон қилган. Шу
лик уа-шароб ҳар
даги суҳбатлар,
ди.
кеа бошлашди.
паванд гадолар,
жаҳа дарвешлар
азм шайдолари
жойлашшди.
ан икки сайёҳ
ёши эмиқлар-
тўйови ўзига
и устидан оқ
қ қалпоқчаси
олган аломана-
леш қиёфасидати

оддиқ майхўрлари
и кўатиқлаб олган Бобо
иҗжакчий пайдо бўлишди.
олган бўлса ҳам, соқла-мўй-
итган Бобо Хофиз Буабулий
детан, ўзи пақанагинна бўлса
ҳам б...
ўргичакка ўхшаб кетадиган кекса найчи кириб
келишди.

Овлақ Хоразмдан, Абу Райхон Беруний юртидан
келган Пири Букрий Ҳазнада атторлик қилади. Аф-
шон шоа бозоридати атторлик растасида унинг ўз
дўкони бор. Бу мажруҳ найчи тўғрисида шаҳарда
ҳар хил мишмишлар юради. Тўё у ўғрилик моллар,
олтин ва жавоҳирларни сотиб олар эмиш, ўзиням

беҳисоб бойликлар соҳиб эмиш, деган гаплар бор. Бу мишмишларнинг қайси чин, қайси ёлғон – ёлғиз Амлоҳта аён. Ҳар қалай, Малик ула-шароб бу мишмишларнинг ҳеч бирига ишонмайди, билакс, уни «Худо урган, пайғамбар эса асо билан туртган» бир банди ногирон, деб билади ва унга раҳм қилади. Пири Букрий ҳам унинг бу меҳри саховатини яхши қадрлайди. Ҳар қалай, тақдир тақозоси билан Турганждан келибдики, Малик ула-шароб билан биродарлик қилади, салкам ўн беш йилдан бери ҳар оқшом унинг майхонасига келиб, най чалади, шундай чаладики, баъзан ўзи ҳам йиғлаб, бошқаларни ҳам йиғлатади. Шундай пайтларда кекса атторнинг қалби алақандай тизгинсиз дардларга тўла экани аён бўлади-ю, одамлар у тўғридаги мудҳиш мишмишларни унуттишади...

Бундан яқин бир ой аввал Пири Букрий Малик ула-шаробга нозик бир илтимос билан мурожаат қилган. Малик ула-шароб эса илтимоснинг нозикалиги сабаб унга рад жавобини беришдан бошқа чора топмаган эди. Шундан бери Пири Букрий майхонадан оёғини тортиб қолган, Малик ула-шароб бўлса, эски қадрдонини ранжитиб кўйганидан пинҳона эзilib юрарди. Бутун унинг Ҳофиз Булбулий билан бирга кириб келганини кўриб, шундай қувониб кетдики, ертўладан ўн йиллик шарбат солинган катта бир хумни кўтариб чиқишларини шогирдларига буюрди. Бу гапни эшитган фақирлар:

– Омад ёр бўласин Малик ула-шаробга!

– Бери ўн бўласин Малик ула-шаробнинг! – деган хитоблар билан ғира-шира мусофирхонани бошларига кўтаришди.

Бир маҳаллар май ичишда ҳеч ким Малик ула-шаробга бас келолмас эди. Бироқ сўнгги йилларда ёши олтиншдан ошиб, кўзидан нури, бешидан қуввати кета бошлагандан бери Малик ула-шароб кам ичар, у

кўпроқ бошқаларни меҳмон қилиб, гулгун суҳбатлар куришдан завқ оларди. Яхши ғазал ўқиган, яхши куй чапган ёки қизик хангома сўзлаб берган кимса бир коса теккин шарбат билан тақдирланад, бу эса мушоирани завқ-шавққа тўлдириб юборарди. Лекин бутун нима ҳам бўлди-ю, Малик ула-шаробнинг ўзи ҳам бир хўплам, ярим хўпладан олиб ўтириб, ширакайф бўлганини сезмай қолди. Авваламбор, бир ойдан бери аразааб юрган эски қадрдони Пири Букрий ўз оёғи билан кириб келди, келди-ю, Пири Фижжакийга жўр бўлиб, найда шундай бир куй чалдики, шарбатхонада йиғламаган бир кимса қолмади. Қолаверса, меҳмон бўлиб келган икки сайёх Ҳуросондан, назм аҳлининг султони Абулқосим Фирдавсий юртидан экан, гап айланиб «Шоҳнома»га бориб тақалди. «Шоҳнома»дан Маҳмуд Ҳазнавийга, ундан шоирнинг султон ҳақидаги машҳур ҳажвиги ўтди-ю, суҳбат гўё шабада теккан гулхандай довиллаб кетди. Биров шоирга ҳамду санолар ўқиб, «Шоҳнома»ни кўкарга кўтариб мактаса, биров аксинча: «Агар Абулқосим Фирдавсий доно бўлса, нечун ижодининг гултожи бўлиш «Шоҳнома»ни ўзи суйлаган султонга инъом этди?», деб таъна қилди. Йна биров эса шаккок гаплардан чўчиб, ўзини четта олди, ҳатто секин тисариллиб, қулабани шартасизгина тарк этганлар ҳам бўлди.

Малик ула-шароб бошида қулоҳсимон эски қалпоқ, этгида эски бўлса ҳам гард юкмаган тоза бўз яқтак, шоирона тўзиган соқол-мўйловларини тутамлаб, майхона аҳлининг бетартиб баҳс-мунозараларига жимгина қулоқ солиб ўтираркан, кўз олдига лоп этиб устод Абулқосим Фирдавсий келди.

Ёлди бор: Абулқосим Фирдавсий, – Амлоҳ ундан рози бўлғай! – Ҳазнани тарк этишдан аввал унинг қулаб вайронасига таширф буюрган эдилар. Таширф буюришларидан бир кун аввал эса

шаҳарда ажиб бир гап тарқалган эди. Биров султон Маҳмуд уа назм султонига катта лутфу эҳсон кўрсатиб, «Шоҳнома»нинг ҳар мисрасига бир тилмадан ҳақ тўлабди, деса бошқа бировлар, билъакс, султон буюк шoirнинг қадрига етмабди, ҳатто элнинг саруто ҳам ётмабди, деган гапларни топиб келган эди. Устод эса тўё султон берган йўлни чўнтагига солиб, тўғри ҳаммомга борган эмишлар, ҳаммомдан чиққач, бор ақчасини гадоларга улашиб, ўзлари султонга ҳажв биттан эмишлар!

Малик уа-шароб бу мишмишларни ҳақиқат қилиб улуғурмасданок устод ўзлари уни йўқлаб келиб қолдилар. Устод кекса бўлсалар ҳам, бўй-басталари келишган, оппоқ соқомлари кўксига тушган, тийрак кўзалари-ю, ўтқир сўзаларига ҳеч ким дош беролмайдиган, тили аччиқ, қайсар одам эдилар. У киши тоҳо-тоҳо май истаб келганларида қайфлари чор бўлса, «Шоҳнома»дан ҳикоятлар ўқиб берар, донолар бисотидан ривоятлар айтиб, ҳаммани хушнуд қилар, мабодо қайфлари бузук бўлса, қаланғи-қасанғи майхўрлар билан ўтиришни истамай, тикка турганларича бир пиёла май ичардилар-да, ўз йўзларига равона бўлардилар.

Ўшанда, сўнгги марта келганида, устод, худди бесабаб қамчи еган асов тулпордай бетоқат эдилар. Соҳ-соқомлари тўзғитган, юзлари бўғриққан, оппоқ қоллари тағилдаги тийрак кўзалари алақандай ички бир аламдан ёнар, ўзлариям одатдаги кимҳоб тўн ўрнига олмиггина қора чакмон кийиб, бошларига эски қалпоқни кўндириб олган, кўзларида асо, елкаларида хуржун, тарки дунё қилган бир зоҳидга ўхшар эдилар.

— Малик уа-шароб! — дедилар устод ўшанда, пойтақда тўхтаб. — Фақир у ҳақир сен билган назм султони Абулқосим Фирдавсий эмас, чўнтагида ҳеч вақоси йўқ бир гадомен. Алаҳ йўлига бир пиёла

шарбат тутсанг, дилимда сенга ҳамду сано ўқиб инамен, бермасанг... лабимда қули, ичимда дуои бил қилиб, майхонангга тағ к этамен!..

Устод Малик уа-шароб турган бир коса шарбатини бир сипқаришда бўшатиб, косани қайтариб берарканлар:

— Йўқ! — деб хитоб қилдилар. — Йўқ, Малик уа-шароб! Фақир қорнимга эмас, қадримга йиғаймен!.. Шу боисдан, бу гумроҳ султон Ғазнавий берган бирча инъомларни гадолар ва йўқсиларга улашдим! Бир мирини қолдирмай улашдимиз мана энди, фириштадай маъсум, тўдақдай қип-яланғоч, ўз юртимга отандим!.. Э воҳ! Бу гумроҳ шоҳлар олдига биздай фақир шoirлар қисмати шу экан! Не чора? Айб ўзимда! Билъакс, инсоф ва адолатни қуйлаб, олдга шоҳлар тарихини битган шoir, келиб-келиб шу мустабид султондан ҳақиқат қилириб келур-менми? О, гумроҳлар, гумроҳлар! Камина тўёким Эрон билан Туронни бир-бирига қарши қўйган эмишмен! Тўёким форсий шоҳларни улуғлаб, туркийларни камситибмен!.. Йўқ! — дедилар у киши тўсатдан қулоҳли бошларини баянд кўтариб, — бир элни бошқа бир элга қарши қўймоқ — донолар иши эмас! Бу — шоҳлар ва султонлар иши! Камина ўз асаримда фақат ҳақиқатни ёздим! Ўлим ҳақ! Вақтиқи келиб фақир ҳам бу оламни тарк этурмен. Аммо, иншоолло, «Шоҳнома» тоабад қолур! Ким ҳақ, ким ноҳақ, ҳар ким ўзи ўқиб олур, ўзи билиб олур, Малик уа-шароб!

Устод шундай дедилар-да, иккинчи косани ичтишдан бош тортиб, мусофирхонани тарк этдилар. ...Малик уа-шаробнинг хаёлини шарбатхўрларнинг жўр қийқириги бўлиб юборди.

Унинг рўпарасида кир-чир соқом кўксига тушган жулдувроқи бир мўйсафид бўш косани чўзиб тулар, кубага йиғилган ғарибу гурабо мўйсафидни курушаб олган, ҳамманинг кўзи Малик уа-шаробда эди.

Мааник уа-шароб бу мўйсафидни яхши танирди. Кўплар унинг наса-насабини билмаса ҳам, ўзини ҳамма танир, бировлар уни Бобо Хурмо деб чақирса, бировлар Бобо Савдойи дейишди.

Одамарнинг айтишича, бир маҳаллар ҳозирги Боғи Фируз ўрнида мўйсафиднинг катта хурмозори бўлган. Бундан йигирма йил муқаддам, султон Маҳмуд Боғи Фируз учун жой танлаганда мўйсафиднинг олатану, суюклан боғидан айрилган кекса боғбон хиёсавдойи бўлиб қолган. Шу-шу, кўчама-кўча юриб тиламчилик қилади.

Бобо Хурмонинг кечмишини билган одамарлар унга раҳм қилишар, Афшон шоа даҳасининг чурвақада-ри эса уни жоннаридан ҳам яхши кўришар. Доим:

Бобо Хурмо!
Қилгил дуо,
Бергил хурмо! –

Дез чуғур-чуғур қилишиб, чолининг орқасидан эртасиб юришарди.

Ҳозир ана шу Бобо Хурмо Мааник уа-шаробнинг олдига нечундир кулимсираб, тавозе билан кўла қовуштириб турарди.

– Афв эт, Мааник уа-шароб! Бу суҳбатни гулгунда яхши шоху ёмон шохлар ҳақида баҳс кетди. Ижозат этсанг, камини шу тўғрида бир ривоят сўзласам!

– Сўзлайман, аммо сўзим ҳақини ким тўлайди, Мааник уа-шароб?

Кулаба гадо ва йўқсимларнинг жўр қийқиригидан дарзага келди:

– Сўзлайвер, Бобо Хурмо! Бир пиёла эмас, ўн пиёла шарбат десанг ҳам йўқ, демайди Мааник уа-шароб! – Оғзингни оч, хуми билан кудди!

Мааник уа-шароб кулимсираб, Пири Букрийга юзланди:

– Куйиб бер, тўйгунча ичсин!

Бобо Хурмо, киприксиз кўзларини мастона ўйлатиб, бир эмас, икки коса шарбатни уст-устига еттикарди-да, ғала-ғовур босилишини кутиб, ҳикоясини бошлади:

– Шундайким, қадим замонларда икки хеш, икки биродар сафарга чиқмиш. Йўла юрса ҳам мўла юриб, саҳрода ўсган бир сада тагига бориб кўнмиш. Топган-тутганларини баҳам кўриб, суҳбат қурмиш. Шунда бир дўст иккинчисидан: агар сента саодат ёр бўлиб, пошшо бўлсанг нима қилар эдинг, деб сўради.

– Агарчанд, – деминг биринчи сайёҳ, – саодат ёр бўлиб, пошшо бўлсам, юртимда инсофу адолат уриатар эдим. Одамар нимаики оруз қилса, ҳаммасини рўёбга чиқарар эдим!

– Камини пошшо бўлсам, – деминг иккинчи сайёҳ, – Бани одам атаминг бу нодонларни тавбасига таянтираар эдим. Қашлашга тирноқ ҳам қолдирмай, қафангадо қилардим буларни!

– Сабаб? – Сабаби – на яхшиликни билади бу гумроҳлар, на ёмонликни!

Эртасига икки сайёҳ йўлларида давом этмиш. Йўла юриб, йўла юрса ҳам мўла юриб, бир шаҳри азиямга етиб бормиш. Қарасалар, арқ олдигаги майдонда одам тирбанд, ҳамманинг кўлида бир парча гўшт, осмондаги қушга тикилар эмиш. Маълум бўлишича, бир кун аввал шаҳар ҳокими оламдан ўтган, ҳоким бефарзанд бўлиб, тахт вориси йўқ емиш. Шу қари бургутини учирмоққа аҳд қилмиш, токи бургут кининг бошига кўнса, ўша одам пошшо бўласин! Бургут эса фалакнинг гардиши билан бемехр сайёҳнинг бошига келди кўнмиш.

Шаҳар донишлари сайёҳнинг мусофир эканини эшитиб, бургутни қайта учирмиш. Бургут майдон узра учиб юриб, яна ўша сайёҳнинг бошига қўнмиш. Шу йўсин уч мартаба учирлиб, уч мартаба сайёҳнинг бошига қўнгандан сўнг шаҳар аҳли уни тахтта ўтказмиш. Сайёҳ эса тахтта ўатирган ҳамон, ўз айтганини қилиш: мамакат аҳлини зир титратмиш, беҳисоб божу хирож солиб, ҳаммани кафангадо қилиш. Шунда одамлар пошшо бўлган сайёҳнинг дўстини қидириб топмиш, пошшо устидан арз қилиб, ундан нажот сўради. Фақир сайёҳ пошшо бўлган дўстининг хузурига бормиш. Пошшо уни шод-хурамалик билан кутиб олмади, аммо сўзини эшитиб: «Сен бу ишга аралашма, – деб танбех бермиш. – Агар мен бу одамларга зулм қилган бўлсам, гумроҳлиги ва нодонлиги учун шундай қилдим. Агар булар нодон бўлмаса, Худонинг ақли сиз бир маҳлуқига инониб, каминани тахтта кўтаришмас эди! Беақл маҳлуққа инониб мени пошшо қилишган экан, раҳм-шафкат не даркор буларга? Дано пошшо доноларга лойиқдур! Нодонларга нодон пошшо ярашур!»

Қулаба жўр қулати ва қийқириқлардан дарзага келди.

– Бу ривоятдан мақсадинг не, Бобо Хурмо?

– Мақсади аён! Сендай нодонларга суатон Маҳмуддай зolim пошшо ярашур, демоқчи Бобо Савдойи!

– Ўз сўзи эмас, суатоннинг ғаними имом Исмоил сўзи бу!

– Офарин! Бетавфиқ исёнчилар маконига айланмиш бу макон!

– Оғзингни юм! Суатон эшитсин бу сўзларни, оёнингдан дорга осиб, остингдан ўт қўяди, аҳмоқ!

– Бо ажаб! Суатоннинг айдоқчилари қайда?

– Кўрсат мента ўша айдоқчингни! Ўзим дорга тортамен уни!

Малик ула-шароб қўлини кўтариб, ғава-говурни ариг босди-ю, Бобо Хурмога яна бир пиёла шарбат тўтишни буюрди.

Шундан кейин нима бўлди, суҳбат давом этдими, ё набат машшоқларга келдими, Малик ула-шароб икки биоламай қолди. Бир маҳал кўзини очса... ичкарида, Наргизабонунинг торгина хонасида, тўрироғи, хонани иккига бўлган парданинг бу томонида ётибди. Тепасида қўлида миттиратган шам, Нири Букрий турибди.

Хонанинг ғира-шира қоронғилигида этнига қора чакмон, бошига хоразмча чўтирма теллак кийган букри чиндан ҳам баҳайбат қора ўргамчига ўхшаб кўринди-ю, Малик ула-шароб сесканиб кетди, хаёлидан эса: «Ғарин эски тапми?» деган фикр ўтди.

Бундан уч ой муқаддам Малик ула-шароб қула бозоридан ўн беш-ўн олти яшар бир жорий сотиб олган эди. Жорийнинг исми Садаф бўлиб, ўзи Хоразмдан, кўп йиллик қадрдони Беруний юртидан эди.

Садафбийи қўла-оёғи чакмонгина, ёқимтойгина қиз экан, бирпасда ҳаммага ёқиб қолди, кўп йиллардан бери дард чекиб, тўшак ёзиб ётган ногирон кампири Наргизабонунга ҳам жуда қўла келди. Лекин бундан бир ой муқаддам, Садафбийини кўриб, у билан суҳбатлашиб қолган биродари Абу Райхон: «Жорийнинг мента бер, менинг уйимда хизмат қилсин, жуда пок қиз экан, бу шиким майхўраар орасида унга жабр бўлибди», деб қолди.

Малик ула-шароб бошда Абу Райхонга ҳам рад жавоб берди, бироқ кейин ўйлаб кўриб, унинг ҳақ эканига иқроор бўлди-ю, Садафбийини унга беришга рози бўлди. Аксига олиб, худди ўша қуналари бу букри ҳам Садафбийини сўраб келди. Малик ула-шароб Абу Райхонга ваъда бериб қўйганини айтса ҳам, ялниниб-ёввориб туриб олди, катта пула, ўз нархидан ўн баравар катта пула ваъда қилиб, оёғига йиқилди...

Абу Райҳон Садафбинини сўраб келганида бир нарсани рўқач қилган, яъни уни бибининг хоразмча чулук тили ром қилганини айтган эди. Ажабо: бу букрини ҳам худди шу нарса мафтун этган эмиш! Бироқ мафтун бўлсин-бўламасин, Садафбинини қайтаришнинг иложи йўқ, у Абу Райҳоннинг ихти-ёрига ўтган эди. Шундан бери Пири Букрий Малик уа-шаробдан аразлаб юрарди. Наҳот, бутун тагин ўша илтимос билан келган бўлса?..

– Ҳўш, хизмат, азизим?

– Малик уа-шароб, – деди Пири Букрий шивирлаб. – Бояги икки сайёҳнинг бири ғавро кўтариб, тўполон қилду.

– Тўполон қилса, тўрт томони қибла! Не деб тўполон қилади?

– Жой сўрайду, шоҳона жой!

– Шоҳона жой тиласа менинг кулабаи вайронамда не қилади? Айт: султон Маҳмудга борсин! Шояд Осмон маликасидан жой берса?

Пири Букрий қўлидаги шамни баяндрок кўтариб, бурчакка тутилган парда томон ўтринча бир қараб қўйди.

– Сўзимга кулоқ солинг, пирим! Ёш сайёҳ айтадики, ёнидаги кекса сайёҳ ўша... ҳақими даврон... ҳазрат Абу Али ибн Сино эмиш! Уа зоти шарифнинг хурматини бажо келтирмак даркор эмиш!..

– Не дединг? Ҳазрат Ибн Сино?

– Шундай, пирим. Ўша, донғи оламга кетган ҳақими даврон Абу Али ибн Сино ҳазратлари эмиш! Малик уа-шароб қизарган кўзларини катта очиб, бир зум анграйиб қолди, сўнг патак соқолини синаб мастона қулади:

– Ибн Сино ҳазратлари бўлса... султон Маҳмудга борсин! Мана, йигирма йилдирки, султон уни то-помай дорда юрмиш!

Пири Букрий негадир яна бурчакдаги парда томон кўз ташлаб:

Пирим, – деб шивиради. – Ёш сайёҳ бир сурат «ўрнатдиким, мавлоно Беруний кўрсатган суратнинг баийни ўзи! Бу сайёҳ билан ўша суратдаги Ибн Синони ажратиб бўлмас, пирим. Бамисоли бир юмчи суви!

Малик уа-шаробнинг юмуқ кўзлари ярқ этиб очилган эди. У олача тўнини эгнита ташлаб, ўриндан турга бошлади. Бироқ шу пайт парда ичидан аёл кишининг «мирзам», деган заиф овози эшитилди. Малик уа-шароб букрига «сен боравер», дегандек имо қилди-да, пардани кўтариб гўшага кирди.

Парда орқасидаги тўшакда... сочлари қордай опнок, кўзлари катта-катта, нимжонгина бир аёл ўтирар, унинг пешонасидаги мошдеккина қизил холи аёлнинг хинд юртидан эканини кўрсатиб туради. Малик уа-шароб тўшак четида тизза буқаркан, ўтганча бир мулоҳиманик билан:

– Нечун ухалайсиз? – деб сўради. – Яна оғриқ бошландими, бонув?

Наргизабону, икки бармоғи кесилган майиб қўли билан тўзғитган сочларини тузатаркан, катта-катта тим қора кўзлари амақандай чарақлаб:

– Бу сўз ростми, мирзам? – деб сўради. – Ҳазрат Ибн Сино...

– Шояд рост бўлса! – Малик уа-шароб аёлнинг бармоқлари яримдан кесилган тўмтоқ кафтини қўлига олиб, лабларига босди, босаркан, одатдагидек, яна ўша йироқ, аммо ҳар эслаганда худди кечатгина рўй бергандек вужудда титроқ уйғутувчи унутимас бир манзара кўз олдига келди.

Ҳазна чеккасидаги хиндлар даҳаси. Даҳанинг энг хиват жойидаги пинҳоний базмхона. Гўзал рақослар, хонанда ва созандалар базмхонаси. Амир Са-буктегиннинг эрка фарзанди, ёш Маҳмуд ўзининг энг яқин ғуломи, боалаикдан бирга ўстан тенгдоши Кутлуғқадам билан ҳар кеча шу хуфий базмхонага

равона бўлишди. Такводор отадан яширинча, тўза раққосалар базминни кўртани боришди. Йўқ, ҳамма раққосалар эмас, офатигон раққосалар орасидати энг офатигон Наргизабонунинг рақсаринни томоша қилгани боришди. Наргизабону энди ўн учта тўлаиб, ўн тўртта қадам кўйган, бироқ унинг хусни, тилла маъбудадек нозик бўй-баста, пешонасидаги мошдек қизил холи, айниқса, доим кулиб тургувчи катта-катта тим қора кўзларини бир кўртан йипит тоабад унутмайди. Рақсарари эса... унинг рақсарари ҳам тўдак култисидай маъсум, ҳам бамисоли олов! Худди ловинаб ёнган олов янглиғ бу рақс тирик жон борки ёндиради, ўликаарта эса жон ато қилади...

Ўша оқшом ҳам, икки пўлат қилнч қинидан чиққан ўша машғум оқшом ҳам Наргизабону эгнисида ҳарир иптак сари, бежирим оёқчаларида кўш-кўш тилла хол-хол, кўлариди ёқут қадалган кўш-кўш тилла узук, нозиккина ярим яланғоч танасини минг муқом билан қилпимлатиб шундай хиромон қилдики, амир Маҳмуд билан унинг содиқ ғуломи Кутлуғқадам раққоса олди-да баробар тиз чўкиб, унга чиний пиёдаларда баробар шарбат туттишди.

Тим қора кўзлари юлдуздай чақнаган ёш малак, лабларида маъсум табассум, серсоқол созандавар созита мос хиромон қилганича, икки машғур меҳмонга яқинлашиб борди, сўнг таманно билан эғлаиб таъзим қилди-да, тирноқларига хина кўйилган нозик кўларини билан амир Маҳмуднинг... йўқ, Маҳмуд эмас, унинг ғуломи Кутлуғқадамнинг пиёласини олди. Олишга олди-ю, пиёлага лаб теккизишга улуғмади. Ёш амир, кўлидаги шароб тўда косани шифтга қараб қулочқашлаб олди-да, ўрнидан сапчиб туриб, шартта қилчини қинидан суғурди. Ундан у ёғи бир зумда, кўз очиб-юлтуғча содир бўлди: Наргизабону кўлини боши узра кўтарганича фарёд чекиб, ўзини созандавар даврасига урди.

Бироқ, язабдан жазаваси тутган ёш амир икки қатламда малакка етиб, унинг боши узра кўтарган нозик кўларига қилнч солди. Кўш бармоғи учиб кетган раққосанинг зорли фарёди базмхонани зир титратди. Бу фарёддан ўзига кеелган Кутлуғқадам ҳам сакраб туриб амирга ташланди. У жонҳолатда қилнч типини чангаллаб олган экан, унинг кўлидан ҳам тиржираб қон оқди. Лекин у оғриқни сезмади. Кўлидан тиржираб оққан қонни ҳам кўрмади. Унинг кўш кесилган бармоқларда эди. Раққосанинг хина кўлидан нафис қорамтир бармоқлари, худди жони ёрдай, ерда дик-дик сакраб, боши узилган митти кулчалардай пигтирларди!

...Эртасига уларни амир Сабуқтегин ўз кўшкига чакиртирди. Кекса амир, бир ёнида бош вазир, бир ёнида қалдрон сарбози Қорағулом, олтин тахтда қонини уйиб ўтирарди. У ўзига ярашган қалин кетмон соқолни тутамлаб, икки оғизгина ваяз айтди:

— Фақир сенларни ака-укадай инок, икки дўст, икки биродар бўлиб кетар, деб ўйлаган эдим. Наргизабондан бўлмайким, орадарингда рақобат пайдо бўлибди. Рақобат бор жойда садоқат бўлмас! Шу бутундан бошлаб саройда сенинг қорангги кўрманин, Кутлуғқадам! Сени ҳам, Қорағулом!.. Биламен, еси менга салкам йиптирма йил ҳало ҳизмат қилдинг. Аммо бутун мен сени фарзандингга кўшиб дарроҳимдан хайдамоқдан бошқа чорам йўқ... Айб менда эмас, Қорағулом, айб такаббур зурриётингда! Ёертган тузимга розимен, Қорағулом!..

Билинғизмат падари Қорағулом, — Аммох унинг руқшши шод эттай, — чўндай қоп-қора, алпқомат одам эди. Кекса амирнинг бу сўзларидан баттар қорайиб кетди. Бироқ дом-мим демади. Ўғлига зиндан кўз қирини ташлаб: «Юр!» деб ишора қилди-да, индамай эшик томон йўналди.

О'ЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
О'ЛМА ПАСТА МАХСУС ТАЪЛИМ УЎҚИШ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
НАРГИЗАБОНУНИНГ